


Ю 25931

*И.А. КАРИМОВ асарлари асосида тайёрланган
ўқув қўлланмалар кутубхонаси*



И. ҲАКИМОВ

СОҒЛОМ
МУҲИТ – СОҒЛОМ
АВЛОД

25931

№ 0 | 2000-367491
Халимов, И.

Социал мухити-
совети аёлар

Т,	1999	102с

2000-367491

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ФАЛСАФА КАФЕДРАСИ

И. ҲАКИМОВ

СОҒЛОМ
МУҲИТ — СОҒЛОМ
АВЛОД

ТОШКЕНТ
“ЎЗБЕКИСТОН”
1999

Муҳаррир: З. КАРИМОВА

Масъул муҳаррир: ЎзФА мухбир аъзоси,
фалсафа фанлари доктори, профессор **Ж.ТУЛЕНОВ**

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика университети Ил-
мий кенгашининг қарорига биноан нашрга тавсия этилган.

25931
10 091
3027

Ю

ISBN 5-640-02650-2

X $\frac{0301050800 - 69}{M 351 (04) 99}$ 99

© "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти, 1999 й.

КИРИШ

Яқунланаётган XX аср инсоният учун муҳим ютуқлар асри бўлди: инсон учун зарур бўлган моддий нозу неъматларни юксак технология асосида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, халқ хўжалигининг барча соҳалари деярли компьютерлаштирилди, фан-техника юқори суръатлар билан ўсди ва унинг ютуқлари инсон, жамият ҳаётига изчил татбиқ қилинди.

Шу билан бирга мазкур илмий-техникавий инқилоб инсонлар, мамлакатлар ва бутун ер юзи аҳолиси олдида ечилиши лозим бўлган янгидан-янги муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бундай муаммолардан бири — қамрови жиҳатидан умумбашарий аҳамиятга эга бўлган экологик хавф ва унинг олдини олиш, биздан кейинги авлоднинг яшаши учун уларга атроф муҳитнинг тозалигини сақлаб қолиш, инсон билан табиатнинг уйғунлигини таъминлаш масаласидир.

Ҳозирги замон илмий-техника тараққиёти ютуқларидан тор манфаатлар йўлида фойдаланиш оқибатида келиб чиққан ноқулай экологик вазият инсон учун энг муҳим бўлган омил — унинг саломатлигига салбий таъсир қилмоқда. Шу муносабат билан умумбашарий ва минтақавий экологик хавф, унинг келиб чиқиш сабаблари, инсон ва табиат, жамият ва табиат орасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш, экологик ҳалокатга йўл қўймаслик каби масалалар ҳозирги кун учун долзарб ҳисобланади.

Китобхонлар ҳукмига ҳавола этилаётган мазкур рисолада юқоридаги муаммолар таҳлил қилинади, Республикамининг мустақиллиги экологик муаммоларни ҳал қилиш учун қандай имкониятлар яратиб берганлиги, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятининг таркибий қисми сифатида мазкур муаммоларни ҳал қилишда ўз ўрни борлиги, республикамизда олиб борилаётган экологик таълим ва тарбиянинг тоза муҳит яратишдаги аҳамияти, инсон камолотининг муҳим омили — экологик маданиятни шакллантириш хусусида фикр юритилади.

ЭКОЛОГИК ХАВФ ВА УНИНГ УМУМБАШАРИЙ ХАТАР ЭКАНЛИГИ

Соғлом атроф муҳит ҳар бир инсоннинг, бир бутун миллат саломатлигининг асоси, инсоният бойлигидир. Шу боис замонамизнинг энг қудратли ва ривожланган мамлакатлари ўзларининг келажакка қаратилган сиёсий ва иқтисодий дастурларида бу масалага алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бунинг сабаблари бор: ҳар қандай мамлакатнинг энг асосий бойлиги унинг халқи, шу мамлакатда яшаётган инсонлардир. Инсон учун энг олий қадрият — унинг ҳаёти эканлиги инobatга олинса, инсон ҳаётининг фаолиятининг ажралмас, зарурий омили бўлган тоза атроф муҳитнинг аҳамияти яққол намоён бўлади. Ҳозирги кунда мамлакатлар, давлатларнинг умумий ривожланиш даражаси, цивилизацияга эришганлигининг асосий мезони — мазкур мамлакатларда яшайдиган аҳолининг ўртача қанча умр кўриши билан белгиланади.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотининг нуқтаи назарига кўра, атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси аҳамияти жиҳатидан, дунёда ядро уруши хавфини олдини олиш масаласидан кейин иккинчи ўринда туради. Ядро уруши содир бўлса, бу урушда ғолиб ҳам, мағлуб ҳам бўлмаслиги, ер юзаси радиоактив саҳрога айланиб қолиши ҳозирги кунда барчага аён. Шу сабабли сиёсий иқлим нисбатан мўътадиллашмоқда ва уруш хавфи жиловланиб турибди. Соғлом экологик муҳитни яратиш муаммоси эса ўз-ўзидан биринчи даражали умумбашарий масалага айланиб қолмоқда.

Жаҳондаги иқтисодий, сиёсий, маънавий инқирозлар жамиятдаги айрим минтақа, мамлакатлар, муайян қатлам ва табақаларни четлаб ўтиши мумкин, лекин экологик хатар — ёши, жинси, дини, иқтисодий ва

сиёсий мавқеидан қатъи назар ҳаммага бирдек хавф солади. Энг муҳими, у чегара билмайди. Экологик ҳалокатни тиканли симлар, ҳарбий кучлар билан жиловлаб бўлмайди.

Инсон барча тирик мавжудот каби авваламбор биологик, сўнгра эса био-ижтимоий жонзот сифатида ўзини ўраб турган атроф муҳит билан чамбарчас боғлиқ. Унинг асосий экологик эҳтиёжлари — тоза озиқ-овқат, ичимлик сув, етарли миқдордаги кислородли соф ҳаво, соғлиқ ва хавфсизликни таъминловчи уй-жой ва ҳоказолар, яъни, умумий қилиб айтганда, тоза табиий муҳитдир. Маълумки инсон сув ва ҳавосиз яшай олмайди, тупроқдан эса озиқ-овқат манбалари сифатида фойдаланади. Одам овқатсиз — 1,5 ой, сувсиз — 5 кун, ҳавосиз 5 минутдан ортиқ яшай олмайди.

Инсон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг яшаши учун зарур бўлган тоза атроф муҳитнинг аҳамияти ҳозирги кунда, илмий-техника инқилоби жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган бир пайтда ортиб бораётганлиги уни илмий жиҳатдан ўрганувчи махсус соҳа — экология фани пайдо бўлишига олиб келди. Экология ҳозирги даврда инсоният учун фақатгина фан бўлиб қолмасдан, у тафаккур, хатти-ҳаракат ва фаолият усулига, юксак маданият, интеллектни ўз ичига олувчи маънавият мезонига айланиб қолди.

Экология (Экос — турар жой, логос — таълимот) термини фанга 1866 йилда олмон биолог олими Э.Геккель томонидан киритилган. У турли даражадаги — тур, популяция, экосистема ва биосфера каби системаларнинг ташкил топиши ва ишлашини ўрганувчи фанни шундай деб атаган эди. Ҳозирги кунда экология барча тирик организмлар — ўсимлик ва ҳайвонот олами, инсон кабиларнинг ўзлари яшашлари учун зарур бўлган табиий муҳитлар мажмуаси билан ўзаро муносабатлари қонуниятларини ўрганувчи бир бутун илмий йўналишни ўз ичига олган фан сифатида тушунилади. Ҳозирги замон экология фани инсон ва биосфера, ижтимоий ишлаб чиқариш ва уни ўраб турган атроф муҳит орасидаги ўзаро таъсирни ҳам илмий жиҳатдан ўрганади. Инсоннинг табиатга сезиларли таъсири би-

лан боғлиқ табиатнинг инсон ва унинг иқтисоди, хўжалик фаолияти учун аҳамиятли бўлган жараёнларга ва ҳаётига акс таъсири, ўсимликлар ва ҳайвонот олами мувозанатининг, ҳаво, тупроқ, сувнинг таркиби жиҳатидан бузилиши каби ҳодисалар экологик муаммолар қаторига киради.

Инсон табиатнинг бир бўлагидир, у ўз умри давомида, бутун меҳнат фаолияти жараёнида табиат бағрида яшайди, унга таъсир этади ва ўзи учун керак бўлган барча нозу неъматларни — озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой, минерал ашё ва энергия кабиларни табиатдан олади ва сарфлайди.

Кейинги 50-100 йиллар давомида инсоният учун хавф солаётган экологик муаммоларнинг келиб чиқишига асосан ҳозирги замон илмий-техника инқилоби натижасида инсоннинг табиатга қиладиган таъсирининг ниҳоятда ортиб кетиши, саноат ва транспорт воситаларининг янада юксалиши, аҳоли сонининг кўпайиб бориши, урбанизация жараёни, шаҳарларнинг кенгайиши натижасида уларнинг таъсири орта бориши, қишлоқ хўжалигида кимёвий моддаларнинг беқиёс кўп қўлланилиши, табиат ресурсларидан тартибсиз, тор манфаатларни кўзлаб, эски технологиялар ёрдамида фойдаланилиши каби қатор ҳолатлар сабаб бўлмоқда. Бу ҳол ХХI аср бўсағасида, фан-техника тараққиёти жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган, дунёнинг жуғрофий-сиёсий тузилиши ўзгараётган ҳозирги шароитда инсон томонидан биосферага кўрсатилаётган таъсирни тартибга солиш, ижтимоий тараққиёт билан қулай табиий муҳитни уйғунлаштириш, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида мувозанатга эришиш муаммоларини борган сари долзарб қилиб қўймоқда.

Шу муносабат билан Президентимиз И.А.Каримовнинг жаҳон жамоатчилиги томонидан илиқ кутиб олинган ва муносиб баҳоланган "Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" (Т."Ўзбекистон", 1997 й.) асари муҳим аҳамиятга эга. Асарда дунё ва мамлакатимиз миқёсида экологик аҳвол чуқур таҳлил қилин-

ган ва соғлом экологик муҳит яратиш борасидаги ба-
жарилиши зарур бўлган чора-тадбирлар тизими иш-
лаб чиқилган.

“Ҳозирги вақтда, — деб кўрсатади И.А.Каримов, —
жаҳон фан-техника тараққиёти жадал ривожланиши
муносабати билан табиий захиралардан хўжалик мақ-
садларида тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Бунинг
устига, дунё аҳолиси йилдан-йилга ўсиб бориб, кўпроқ
миқдорда озиқ-овқат, ёқилғи, кийим-кечак ва бошқа
нарсаларни ишлаб чиқариш талаб қилинмоқда. Бу эса
ўрмонлар эгаллаб турган майдонларнинг жадал сурь-
атларда қисқаришига, чўл-сахроларнинг бостириб
келишига, тупроқнинг бузилишига, атмосферанинг
юқорида жойлашган озон тўсиғи камайиб кетишига,
ер ҳавосининг ўртача ҳарорати ортиб боришига ва
бошқа ҳолатларга сабаб бўлмоқда”¹.

Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳозир дунё
бўйича ҳар хил ёқилғилар ишлатилиши туфайли
10,1 млрд тонна кислород сарфланади, қишлоқ хўжа-
лигига яроқли бўлган тупроқнинг 70 фоизи, ўрмонлар-
нинг 50 фоизи, чучук дарё сувларининг 20 фоизи, био-
логик ресурсларнинг 70 фоизи кишилар томонидан
ўзлаштирилиб фойдаланилмоқда. Ер юзида ҳар йили
4 млрд тоннадан кўпроқ нефт ва газ, 2 млрд тоннадан
ортиқ кўмир ёқилиб, 20 млрд тонна ҳар хил маъдан-
лар қазиб олиниши натижасида турли хил чанг-тўзон,
заҳарли газлар, тутун қурумлар ҳаво, тупроқ, сув, ўсим-
лик ва ҳайвонот дунёсини ифлослантирмоқда².

Атроф муҳитни қурраи замин миқёсида йўл қўйиб
бўлмас даражада ифлосланишига олиб келаётган са-
баблардан бири — инсоннинг космик фазони ўзлаш-
тиришга қаратилган фаолиятидир. Бу фаолиятнинг
инсоният учун зарарли оқибатлари ҳозирги пайтгача
тўла ва атрофлича таҳлил қилиб берилмаган. Россия-
нинг экологик сиёсат маркази томонидан яқиндагина

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳ-
дид, барқарорлик шартлари ва гараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекист-
тон”, 1997. 114-бет.

² Қаранг: А.Тухтаев, А.Ҳамидов. Экология асослари ва табиатни
муҳофаза қилиш. Т., “Ўқитувчи”, 1994 й. 127-бет.

чоп этилган "Космик фаолиятнинг экологик хавфи" (1999 й.) китобида кўрсатилишича, биргина "Апполон" кемасининг шовқини кучли вулқон отилиши даража-сида бўлади, тўлқин зарбаси эса 1770 км. гача тарқалади. Ракета ва махсус кемалар ёрдамида космик фазони тадқиқ қилишга қодир бўлган мамлакатлар сонининг ортиб бораётганлиги инobatга олинса, кенг миқёсдаги хавфнинг кучайиб бораётганлигини таъкид-лаш мумкин.

"Шаттл" туркумидаги ҳар бир космик кема 10 тоннагача кучли токсик ёқилғи ишлатади. Бу кема қўниш чоғида ерга етишига 20 км қолганда ортиб қолган 2 т дан 5 т гача ёқилғини атмосферага ташлаб юборади. Мутахассисларнинг фикрича, биргина америкаликларнинг ўзи 1981 йилдан буёғига 500 т гача захарли ёқилғини шу йўл билан атмосферага чиқариб ташлаганлар. Атмосферани шу усул билан захарлаш бўйича Россиянинг "Протон" ракетасини "чемпион" дейиш мумкин. Шу кунгача бу хил ракета 255 мартаба фазога учирилган ва натижада ўз хусусиятларига кўра кимёвий қуролга тенг бўлган 500-600 т гача гептил суюқ ёқилғиси ҳавода тарқалиб кетган. Шу туфайли мазкур модда тарқалган ҳудудларда икки бошли балликлар, оёксиз туғилган бузоқлар, "сарик" чақалоқларнинг туғилиши, уларнинг жисмоний ва ақлий жиҳатдан заиф ривожланиши кузатилмоқда.

Айрим космик кемаларда ядровий энергия қурилмаларининг ишлатилиши Ер юзи аҳолиси учун экологик хавфни кескин кучайишига сабаб бўлмоқда. Масалан, Американинг сунъий йўлдоши "Транзит"нинг 1964 йилда ҳалокатга учраганлиги 950 граммдан ортиқ Плутоний-238 изотопининг ер устида ёйилиб кетишига олиб келди. Бу, мутахассисларнинг баҳолашича, ҳозиргача синаш учун портлатилган барча ядро қуролларига нисбатан хавфлироқдир. 1978 йилда ядро ёқилғиси билан ишлайдиган совет сунъий ер йўлдоши "Космос-954"нинг ерга тушиш вақтидаги ҳалокати Канада ҳудудининг 100 минг кв.км майдонини радиоактив ифлосланишига олиб келган. Ҳозир-

гача ядро ёғилғиси билан ишлайдиган 41 та совет ва Россия сунъий йўлдошларидан 6 таси ҳалокатга учраган.

Ерга яқин космик фазода инсон томонидан чиқарилиб ташланган кўплаб ахлат ва чиқиндилар ёйилиб кетган, уларнинг миқдори 3000 т дан ортади. Ҳозирги кунда ушбу жойда 8000 дан кўпроқ 10 см ва ундан катта бўлган, 200 мингдан ортиқ майда-чуйда темир-терсақлар учиб юрибди. Улар ҳозирги вақтда учири-лаётган сунъий йўлдош ва космик кемаларнинг ҳалокатга учраш хавфини янада кўпайтириб юборди. Ернинг озон қатламининг камайиши ва иқлимнинг ўзгариши ҳам, олимларнинг фикрича, инсоннинг космосни ўзлаштириш борасидаги фаолиятининг натижасидир.

Ҳарбий-космик муассасалар ва уларнинг раҳбарлари бундай салбий оқибатларни тушунсалар ҳам, тармоқ фойдасини кўзлаб бу ҳақда лом-лим демаяптилар, чунки инсоннинг космик фазони ўзлаштиришга қаратилган фаолиятида “фойда” омили тобора кўпроқ роль ўйнамоқда. Космосни ўзлаштиришда иштирок этаётган барча мамлакатлар бутун дунё халқларининг умумий мулки бўлган экологик муҳитдан амалда текин, сўроқсиз ва назоратсиз фойдаланмоқдалар. Бундай аксилэкологик фаолиятни чеклаш вақти аллақачон келган. Энди барча космик лойиҳаларни аввало экологик экспертизадан ўтказиш, ундан кейингина бу лойиҳаларни, агарда улар экологик меъёрлар чегарасида бўлса, амалга ошириш лозим. Бунинг учун даставвал космик фазони ўзлаштиришнинг экологик жиҳатдан мумкин бўлган шакл ва усуллари, ҳамма мамлакатлар учун умумий бўлган меъёр ва қонунлар ишлаб чиқиши, уларнинг амалда бажарилишини назорат қилувчи халқаро ташкилотлар тузиш лозим бўлиб қолди.

Кўриниб турибдики, атроф муҳитнинг тозалиги ва уни таъминлаш ҳозирги кунда алоҳида олинган мамлакат ёки минтақа доирасидан аллақачонлар чиқиб, у ер юзи аҳолиси учун умумбашарий муаммолардан бирига айланиб қолди. Чунки сув, ҳаво, қуёш, ҳайво-

нот ва ўсимликлар олами каби асосий экологик омиллар чегара билмайди, улар планетамиздаги барча кишилар ва мамлакатлар учун умумийдир. "Экологик хавфсизлик муаммоси, — деб кўрсатади И.А.Каримов, — аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади."¹

Соғлом экологик муҳитга эришиш зарурати жаҳондаги барча мамлакатларнинг биргаликда фаолият кўрсатишига, улар томонидан халқаро экологик ташкилотлар тузилишига, турли халқаро экологик дастурларнинг яратилишига олиб келди. Масалан, 1968 йилда инсониятнинг келажагини ўрганиш, истиқболларини башорат қилиш мақсадида халқаро "Рим клуби" ташкил этилган эди. Унинг 100 нафар доимий аъзоси жаҳондаги 40 дан зиёд мамлакатларнинг энг йирик сиёсатдонлари, иқтисодчилари, давлат арбоблари ва олимларидан иборат. Уларнинг 34 нафари Халқаро Нобель мукофоти соҳибларидир. Мазкур клуб аъзолари ўтказган илмий тадқиқотлар натижалари жаҳонда умумий ривожланиш шу тариқа давом этаверса, курраи заминимизда тикланмас экологик ҳалокат содир бўлиши эҳтимолдан холи эмаслигини кўрсатди.

Бу каби халқаро экологик ташкилотлар дунё мамлакатларининг атроф муҳитни яхшилашга қаратилган хатти-ҳаракатларини уйғунлаштиришга, инсон билан табиатнинг ўзаро муносабатини мувофиқлаштиришга, лозим бўлса, экологик хавф кучли бўлган минтақаларни маблағ билан таъминлашга ёрдам бериши, ҳар бир инсоннинг тўлақонли ва соғлом турмуш кечириши учун зарур экологик муҳитга бўлган эҳтиёжини таъминлаши, ишлаб чиқаришни экологик жиҳатдан

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. "Ўзбекистон", 1997. 112—113-бетлар.

зарарсиз технология ёрдамида амалга ошириш учун шарт-шароит яратишга кўмак бериши лозим.

Аммо, таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда халқаро экологик — сиёсий муносабатларни мувофиқлаштирувчи давлатлараро шартнома ва келишувлар тўлалигича бажарилмаётир, айрим ҳолларда эса бу битимлар фақат қоғозда қолиб кетаётир.

Экологик муҳитни тоза ҳолда сақлашга қаратилган халқаро ҳуқуқий битимларнинг номукамаллиги ёки уларга тўла риоя қилинмаслиги сабабли ҳозирги кунда баъзи мамлакатларнинг ишлаб чиқариш тараққиёти бошқа мамлакат ва халқларнинг экологик манфатларига зид бўлган йўналишдадир. Масалан, Тожикистондаги Турсунзода шахрида 80-йилларда алюминий заводи иш бошлаган. Натижада республикамизнинг қарийб 30 минг гектар майдони ифлосланиб, ҳосилдорликка салбий таъсир этмоқда. Бу корхона ҳар йили ҳавони булғатувчи 40 минг тоннагача моддаларни: жумладан 300-400 тонна энг зарарли модда — фторли водородни чиқариб ташлай бошлади. Айрим пайтларда, айниқса ёз ойларида Сариесий туманида ҳаводаги фторли водороднинг миқдори йўл қўйилиши мумкин бўлган меъёрдан 6-8 баравар ошиб кетди.

1998 йилда Тожикистон алюминий заводи қувватининг қисқартирилганлигига қарамай, унинг одамлар саломатлигига ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига салбий таъсири юқорилигича қолмоқда. Масалан, Денов, Сариесий, Узун туманларида 1998 йилда аҳоли орасида флюороз, юқумли касалликлар, эндокрин касалликлари, шиш пайдо бўлиши, иммун ва қон касалликлари, туғма нуқсон кабилар 1996 йилга нисбатан 1,5-2 баравар кўпайди.

Сариесий туманида тоқзорлар ва машхур Дашнобад анорлари нобуд бўлди. Бу ерда ипак қурти боқиш тўхтатилганлиги оқибатида ҳар йили 50 миллион сўм иқтисодий зарар кўрилмоқда, 1998 йили қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши 55 миллион сўм зарар кўрди.

Қирғизистоннинг Мойлисув ҳудуди атрофида радиоактив моддалар чиқиндиси кўмиб ташланган 23 та жой

республикаимиз аҳолиси учун жиддий экологик хавф бўлиб турибди.

Кўриниб турибдики, экологик аҳволни яхшилаш, ундан келиб чиқиши мумкин бўлган хавф-хатарнинг олдини олишнинг асосий йўлларида бири халқаро ҳуқуқий экологик битимлар тузиш ва бу битимларни бажарилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатишдир. Бу тадбир жаҳон миқёсида умумий қоидага айлантирилиши лозим. Натижада айрим мамлакатларнинг аксил-экологик бебошликлари махсус халқаро ташкилотларнинг иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий жазо чоралари билан жиловланади.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭКОЛОГИК АҲВОЛИ ВА УНГА ТАҲДИД СОЛУВЧИ АСОСИЙ ОМИЛЛАР

Экологик вазият инсон ва унинг мажмуаси бўлган жамият билан табиатнинг ўзаро муносабати натижасининг маҳсули эканлиги сабабли бундай хавфсизликни таъминлаш жамиятда қандай ижтимоий муносабатлар ўрнатилганлиги, унинг маънавий-ахлоқий тараққиёт даражаси каби бир қанча ижтимоий омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Шу жиҳатдан қараганда, Ўзбекистондаги экологик аҳвол бир томондан 70 йилдан ортиқ давом этган "социалистик тузум"нинг қоидаларига боғлиқ бўлган бўлса, иккинчи томондан Республиканинг Иттифокдаги "ўрни ва мавқеи"дан ҳосил бўлган. Президентимиз таъкидлаганидек: "Табиий ва минерал-хом ашё захираларидан ваҳшийларча, экстенсив усулда, жуда катта харажатлар ва исрофгарчиликлар билан фойдаланишга асосланган социалистик хўжалик юритиш тизимининг бутун моҳиятига мамлакат ихтиёридаги беқиёс бойликларга авайлаб муносабатда бўлиш ғояси бутунлай ёт эди. Аксинча, бойликлардан бундай фойдаланиш икки тузумнинг иқтисодий мусобақасида мамлакатнинг асосий дастаги, экспорт имкониятларининг негизи бўлиб келди.

Иқтисодиётни ривожлантиришдаги бош мақсад экстенсив омилларга қаратилган эди. Табиийки, бундай

шароитда яширин бойликлардан оқилона фойдаланишни тартибга соладиган, табиатнинг, атроф муҳитнинг ҳимоя қилинишини кафолатлайдиган бирон-бир меъёрлар ва қоидаларга риоя қилиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди"¹. Бу фикрлар республикамизда мустақилликдан олдинги даврдаги экологик вазият, унинг ночор аҳволга тушиб қолиш сабаблари ва ечимларининг қандай даражада эканлигини аниқ ифодалайди.

Маълумки, Ўзбекистон Иттифоқ таркибига кирган пайтларда, у СССРнинг асосий хом ашё базасидан бирига айланиб қолганлиги сабабли республикамизнинг Иттифоқдаги "ўрни" ва "мавқеи" шу аснода белгиланган эди. Натижада республикамизда пахта монополияси, ундан келиб чиқадиган ер ва сувнинг экологик жиҳатдан яроқсиз ҳолга келиб қолиши, ҳавони ифлослантирувчи кўплаб зарарли кимёвий заводларнинг қурилиши, ер ости бойликларини тартибсиз қазиб олиш ва уларнинг ҳудудимиздан ташқарига олиб чиқиб кетилиши, пахта миқдорини кўпайтириш мақсадида кўплаб зарарли кимёвий моддаларнинг ишлатилиши каби ҳолатлар бутун атроф муҳитга жуда катта зарар кўрсатди. Натижада ҳозирги ва келгуси авлодларимизнинг экологик хавфсизлиги, саломатлигига катта путур етказилди.

Мустақиллик туфайли барча тўпланиб қолган муаммолар экологик вазиятга нисбатан ҳам янгича ёндошиш, республика фуқароларининг манфаатлари йўлида уни яхшилашга қаратилган самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари яратилди.

Ўзбекистон атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат захираларидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи кўп томонлама ва икки томонлама давлатлараро битимларга қўшилди. Республикамизда табиатни муҳофаза қилишга оид қонун-

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 110—111-бетлар.

чилик ривожланмоқда ва такомиллашмоқда, генофонд-ни барқарорлаштиришни, сақлаб қолишни, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган ҳамда фуқароларнинг мақбул атроф муҳитга бўлган ҳуқуқини кафолатлайдиган халқаро конвенциялар, шартнома ва битимларга қўшилиш жараёни давом этмоқда.

Экологик муҳит таркибига кирувчи энг муҳим элементлардан бири ер (тупроқ)дир. Ер ўсимлик, ҳайвон ва микроблар билан биргаликда мураккаб экосистемани ташкил қилади. Ернинг инсон фаолияти учун зарурий муҳит эканлиги унинг одамларни кийинтириши ва боқишидан ташқари, ўзини ўзи тозалаш хусусиятига эга эканлигида, табиатдаги ифлос нарсаларни биологик йўл билан тозалашида кўринади. Чунки тупроқда учрайдиган барча тирик организмлар яшаш жараёнларида бир-бирига нисбатан турли хил муносабатда ва ўзаро таъсирда бўлади, яъни ўсимлик, ҳайвон ва микроорганизмлар ўртасидаги мураккаб муносабатлар натижасида тупроқда ҳаёт учун зарурий минерал моддалар тўпланади, нормал экологик муҳит ҳосил бўлади.

Республикамызда унумли ернинг чекланганлиги ва унинг сифат жиҳатидан талабга жавоб бермаслиги туфайли келиб чиқадиган экологик хавфнинг таҳдиди анча сезиларлидир. Асарда кўрсатилишича, “Республиканинг 447,4 минг квадрат километрдан ортиқроқ бўлган умумий майдонининг атиги 10 фоизинигина экин майдонлари ташкил этади. Марказий Осиё мамлакатлари орасида, Ўзбекистонда аҳолининг зичлиги айниқса юқори бўлиб, 1 квадрат километрга 51,4 киши тўғри келади, ҳолбуки бу рақам Қозоғистонда — 6,1, Қирғизистонда — 22,7, Туркменистонда — 9,4 ни ташкил этади. Республикамызда ҳар бир одамга 0,17 гектар экин майдони тўғри келса, Қозоғистонда — 1,54, Қирғизистонда — 0,26, Украинада — 0,59, Россияда — 0,67 гектар экин майдони тўғри келади. Барча аҳолининг ярмидан кўпроғи қишлоқ жойларда яшаётганлигини ҳисобга олсак, дадил айтиш мумкинки, бизнинг қишлоқларимизда инсоний захираларнинг нисбий

ортиқлиги эмас, балки мутлақ ортиқлиги яққол кўзга ташланади”¹.

Кўришиб турибдики, ер билан боғлиқ бўлган дастлабки экологик хавф — аҳоли сонига нисбатан экин майдони ерларининг жуда камлигидадир. Бу ҳол дунёдаги аҳоли зич жойлашган мамлакатлар каби оилани режалаштиришни, аҳоли ўсишини тартибга солишни, мавжуд экишга яроқли ерлардан унумли ва оқилона фойдаланишни тақозо қилади.

Ернинг экологик муҳит сифатида республикамиз аҳолиси хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳолати — унинг ниҳоят даражада шўрланиб кетганлиги, унумдорлигининг пасайиши, кучсизланиши ва ҳатто бузилиб кетишидир. Бунинг асосий сабаби пахтани кўпайтириш мақсадида кўплаб ерларни, ҳатто шўрланган ва мелиорацияга яроқсиз йирик-йирик майдонларни оммавий суратда ўзлаштирилишидир.

Ернинг (тупроқнинг) ифлосланиши инсон ҳаётий фаолияти натижасида зарарли хўжалик ва саноат чиқиндиларининг келиб чиқиши оқибатида ҳам содир бўлади. Аҳоли турар жойларида кўплаб чиқинди ва ахлатларнинг йиғилиши касаллик тарқатувчи микроорганизмларнинг кўпайишига сабаб бўлади. “Ўзбекистон ҳудудида, — деб кўрсатади И.А.Каримов, — қаттиқ маиший чиқиндилар ташланадиган 230 дан ортиқ шаҳар ва қишлоқ ахлатхоналари мавжуд. Уларда тахминан 30 миллион куб метр ахлат тўпланади. Улар асосан стихияли равишда, жўғрофий, геологик-гидрогеологик ва бошқа шарт-шароитларни комплекс ўрганмай туриб ташкил этилган”². Республикамизда бу муаммоларни ҳал қилиш борасида дастлабки ишлар амалга оширилмоқда.

Ер экологиясининг бузилишига олиб келадиган сабаблардан бири — ҳосилдорликни кўпайтириш мақсадида ишлатиладиган кимёвий моддаларнинг туп-

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 117—118-бетлар.

² Ўша жойда, 120-бет.

роққа меъеридан зиёд солинишидир. Масалан, мутахассисларнинг берган маълумотларига қараганда, республикамизда қишлоқ хўжалиги соҳасида 70 хилга яқин турли кимёвий моддалар ишлатиб келинган. 1989 йилда ҳар гектар ерга 19,5 кг (айрим вилоятларда ҳатто 40-45 кг) кимёвий дорилар солинган. Йилига ҳар гектар ерга 400-500 килограммгача минерал ўғитлар солинган. Бу ўғитлар билан биргаликда тупроққа фтор, уран, торий, оғир металл тузлари ҳам ўтган ва натижада суғориладиган ерларнинг аҳволи ночор ҳолга келиб қолган¹.

Республикамизда тупроқни зарарли кимёвий моддалардан тозалаш технологияси ишлаб чиқилмаган. Деҳқон ва фермерларнинг деҳқончилик маданияти ҳалигача юқори эмаслиги аҳволни янада оғирлаштирмоқда. Зараркунанда ва ҳашаротларга қарши сепиладиган дориларнинг самараси жуда паст. Уларнинг жуда кам миқдори фойдали таъсир кўрсатиб, кўпчилик қисми ер, сув, ўсимлик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига сингиб кетади. Натижада тупроқнинг таркиби ёмонлашади, кишилар саломатлигига катта зарар етади.

Тоза экологик муҳитнинг ажралмас қисми сувдир. Сув барча тирик мавжудотлар учун асосий ҳаётий омилдир. Кишилик жамиятида, жонли табиатда сувнинг ўрнини босадиган ҳеч қандай модда йўқ. Ўсимлик ва ҳайвонлар организмнинг 50-60 фоизи сувдан ташкил топган. Сув, шунингдек, саноат ишлаб чиқаришида, қишлоқ хўжалигида ва умуман халқ хўжалигининг барча тармоқларида ниҳоятда зарур ва муҳимдир.

Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлиги нуқтаи назаридан ёндошилганда, бизда сув билан боғлиқ камида икки хил ўткир муаммо кўзга ташланади. Биринчиси — сув захираларининг, шу жумладан ер усти ва ер ости сувларининг ўта тақчиллигидир. Бу муаммо асосий сув манбалари — йилига 78 куб километр сув

¹ А.Тўхтаев, А.Ҳамидов. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш. Т., "Ўқитувчи", 1994 й. 45-бет.

келтирадиган Амударё ва 36 куб километр сув қуядиган Сирдарё сувларини тежаб-тергаб сарфлашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш заруриятини туғдиради.

Иккинчи муаммо — сувнинг ифлосланиши бўлиб, уни келтириб чиқарадиган асосий омилларга кенгайиб бо-раётган саноат ва маиший хўжалик корхоналаридан, турли хил ташкилотлардан чиқадиган ифлос оқава сув-лар, турли хил юувчи синтетик моддалар, руда, шах-та, нефт конларида ювилиш натижасида оқизилади-ган ифлос сувлар, зовур сувлари, завод ва фабрика-лардан чиқадиган ифлос сувларни кўрсатиш мумкин. Сувнинг ифлосланиши, яъни унинг таркибида заҳар-ли моддаларнинг меъёридан ортиб кетиши натижа-сида барча тирик организмлар, жумладан инсон ис-теъмол қиладиган ўсимлик ва ўсимлик маҳсулотлари, ҳайвон ва ҳайвон маҳсулотлари таркибига заҳарли моддалар ўтади. Олдин кузатилмаган, ҳозирда эса тез-тез учраб, даволаниши қийин ёки мумкин бўлмаган касалликларни юқоридаги сабаблар билан изоҳлаш мумкин.

Бу ҳол Республика аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш эҳтиёжини туғдиради. “Ўзбекистон ва қўшни минтақалар шароитида, — деб кўрсатади И.А.Каримов, — аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Аҳоли пункт-ларининг одатдаги водопровод суви билан таъминлаш кўрсаткичи республикада фақат кейинги беш йиллик-нинг ўзида тахминан 1,5 баравар ортди. Шунга қара-май, ушбу муаммо долзарблигича қолмоқда. Ичимлик сув таъминоти манбаларининг ифлосланиши Респуб-ликада, айниқса Оролбўйида касалликка чалинишнинг юқори даражасига сабаб бўлмоқда”¹.

Ўзбекистон ва бутун минтақа учун энг асосий эко-логик хавф — Орол муаммосидир. Орол денгизи танг-лиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гу-

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳ-дид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 123—124-бетлар.



манитар фожиага айланди: денгиз ҳавзасида яшайдиган қарийб 35 миллион киши унинг таъсирида қолди.

Маълумотларга кўра, 1961 йилга қадар Оролбўйи ерлари гўзаллиги, хуштабиатлилиги билан атрофдаги чўллардан кескин фарқ қилган. Зотан, дарё сувининг ҳар йили тошиб туриши туфайли бу ерда чўл шароитига зид бўлган қулай табиий шароит мавжуд эди. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ниҳоятда бой, хилма-хил, табиат манзараси ранг-баранг бўлган. Дарё ўзанларининг икки чеккаси қуюқ тўқайзор эди. Кўллар ва кўлмақлар зотли балиқларнинг кўпаядиган макони, турли парранда-ю даррандаларнинг яшаш жойи бўлиб хизмат қилган.

“1911—1962 йилларда Орол денгизининг сатҳи энг юқори бўлиб, 53,4 метрни, сувнинг ҳажми 1064 куб километрни, сувнинг юзаси 66 минг квадрат километрни ва минераллашув даражаси бир литр сувда 10-11 граммни ташкил этган эди. Денгиз транспорт, балиқ хўжалиги, иқлим шароити жиҳатидан катта аҳамиятга эга бўлган. Унга Сирдарё ва Амударёдан ҳар йили деярли 56 куб километр сув келиб қуйилар эди.

1994 йилга келиб Орол денгизидаги сувнинг сатҳи — 32,5 метрга, сув ҳажми — 400 куб километрдан камроққа, сув юзасининг майдони эса 32,5 минг квадрат километрга тушиб қолди, сувнинг минераллашуви икки баравар ортди.

Оролнинг сатҳи 20 метр пасайиши натижасида у энди яхлит денгиз эмас, балки иккита қолдиқ кўлга айланиб қолди. Унинг соҳиллари 60-80 километрга чекинди. Амударё билан Сирдарёнинг дельталари жадал суръатлар билан бузилиб бормоқда. Денгизнинг сув қочган туби 4 миллион гектардан ортиқроқ майдонда кўриниб қолди. Натижада яна битта “қўлбола” кумли-шўрҳок саҳрога эга бўлди. Шамол Орол денгизининг қуриб қолган тубидан туз ва чанг-тўзонни юзлаб километрга учириб кетмоқда”.¹

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт каволатлари. 124—125-бетлар.

Бундай ҳолат Орол денгизи атрофида иқлимнинг бузилишига олиб келди. Бир вақтлар анча ривожланган балиқчилик саноати йўқолиб кетди. Тупроқ ва ўсимлик қатламининг бузилишига, ҳайвонот дунёсининг камайиб кетишига, яйловлар ва ўтлоқларнинг йўқолишига, ҳатто, денгиздан анча олис жойлашган ҳудудларнинг чўлу биёбонга айланишига сабаб бўлди.

Орол бўйида вужудга келган бундай табиий, тупроқ мелиоратив ва иқлимий ўзгаришларни, шунингдек сув танқислиги каби ҳолларни инobatга олиб, соҳанинг етук мутахассис-амалиётчилари, олимлар томонидан ана шу муаммолар бўйича олиб борилган илмий ишларнинг хулосаларидан фойдаланилган ҳолда минтақа халқ хўжалигининг келажақдаги тараққиёт йўлини ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолди.

Ҳозирги кунда Орол муаммоси минтақавий ва умумбашарий доираларда ҳал қилинмоқда. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1993 йил март ойида Қизилўрдада бўлиб ўтган учрашувида мазкур масалани биргаликда ҳал қилиш тўғрисида Битимга имзо қўйилди, давлатлараро кенгаш, унинг ишчи органи, шунингдек Оролни қутқариш бўйича халқаро фонд ташкил қилинди. 1994 йил январь ойида ўтказилган Нукусдаги иккинчи учрашувда Орол бўйидаги экологик вазиятни яхшилашга қаратилган 3-5 йилга мўлжалланган фаолият дастури қабул қилинди. 1994 йил мартида Тошҳовуздаги учинчи учрашувда эса бу дастурнинг бажарилиши ҳақидаги ҳисобот муҳокама қилинди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг БМТ, Жаҳон банки каби халқаро ташкилот вакилларининг иштирокида Алмати шаҳрида ўтказилган 1997 йил феврал учрашувида Оролдаги ноқулай экологик вазиятни бартараф қилиш бўйича фаолият кўрсатаётган ташкилотларни такомиллаштиришга қаратилган Оролни қутқариш Халқаро фондининг янги таркиби ва унинг ижроия қўмитаси тузилди.

1999 йил 8-9 апрель кунлари Туркманистон пойтахти Ашгабадда Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Маълум-

ки, мазкур жамғарма аҳолиси 40 миллионга яқин бўлган минтақамизга кирувчи давлатларнинг изчил саъй-ҳаракатларини Орол муаммоси ечимига қаратди ва унга йирик халқаро молиявий ташкилотларни, кўплаб хорижий давлатларни жалб қилди.

Учрашувда, 1997-99 йиллар давомида Оролбўйи аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан улкан ишлар амалга оширилганлиги, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, ичимлик сув билан таъминлаш яхши йўлга қўйилганлиги, Орол денгизи сатҳининг пасайиши тўхтаганлиги таъкидланди. Аммо, сув захираларидан тўғри, тежамли ва масъулиятли фойдаланилса, сарфланаётган сув миқдорини камида 10 фоизга камайтириш мумкинлигига, минтақадаги айрим мамлакатларда сувдан электр энергияси олиш имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланиш, сув захираларида балиқчилик соҳасини ривожлантириш ва оқава сувлардан унумлироқ фойдаланиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Бу хатти-ҳаракатлар минтақада яшаётган кишиларнинг турмуш даражасини пасайиб кетмаслигига, келажакда ўсиб келаётган ёш авлод учун муносиб экологик вазият яратишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни рўёбга чиқариш борасида муҳим босқич бўлди.

Экологик тангликка олиб келувчи омиллардан бири — ҳавонинг ифлосланишидир. Маълумки, ҳаво барча тирик организмлар, жумладан инсоннинг ҳаётий фаолияти учун зарурий омилдир. Табиатшуносларнинг берган маълумотларига кўра, атмосферадаги тоза ва қуруқ ҳаво 78 фоиздан ошиқроқ азот моддаси, 21 фоизга яқин кислород, 0,09 фоиз атрофида аргон, 0,03 фоиз карбонат ангидрид каби элементлардан ташкил топган. Ҳаво таркибидаги кислород ҳайвонлар ва ўсимликларнинг нафас олиши учун зарур бўлган асосий модда ҳисобланади ва унинг миқдори 5 фоиздан камайиб кетса, тирик организмларнинг нафас олиши қийинлашади. Ҳаводаги мавжуд карбонат ангидрид

гази эса яшил ўсимликларнинг озикланиши учун муҳим аҳамиятга эга.

Ҳаво таркибига кирадиган сульфат ангидрид, азод оксиди, галаген водородлар, аммиак ва бошқалар тирик мавжудотлар учун зарарли ҳисобланади. Инсон фаолияти натижасида бу хил моддаларнинг ҳаво таркибида кўпайиб кетиши барча тирик мавжудотлар — ўсимлик ва ҳайвонот олами, жумладан инсоннинг яшаши учун салбий таъсир кўрсатади.

Ҳозирги замон илмий-техника инқилобининг маҳсули ва натижалари билан қуролланган инсоннинг фаолияти туфайли ҳаво таркибида юқорида айтиб ўтилган зарарли элементларнинг кўпайиб бориши давом этмоқда. "...ҳар йили республиканинг атмосфера ҳавосига 4 миллион тоннага яқин зарарли моддалар кўшилмоқда. Шуларнинг ярми углерод оксидига тўғри келади, 15 фоизини углеводород чиқиндилари, 14 фоизини олтингугурт қўш оксиди, 9 фоизини азот оксиди, 8 фоизини қаттиқ моддалар ташкил этади ва 4 фоизга яқини ўзига хос ўткир заҳарли моддаларга тўғри келади"¹.

Республикамиз ҳавосининг бузилишига Қорақум ва Қизилқум саҳроларидан кўтарилиб турадиган чанг-тўзонлар, Орол денгизининг қуришидан ҳосил бўлган чанг ва тузларнинг атмосферага ёйилиб кетиши, қўшни Тожикистонда қурилган алюминий заводи ҳам сабаб бўлмоқда. Маълумотларга кўра, 1989 йилда саноат корхоналари томонидан 1337 минг тонна, автотранспортлардан 2,2 миллион тонна заҳарли моддалар чиққан. Биргина Тошкент шаҳри транспорти йилига 300 минг тоннадан ортиқ чиқинди газларни атрофга пуркайди. Ҳозирги кунда дунё бўйича атмосферада йилига 10-12 миллиард тонна кислород миқдори камаймоқда, карбонат ангидрид миқдори эса ошиб бормоқда.

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 129-бет

**РЕСПУБЛИКАМИЗДА АТРОФ МУҲИТНИ ЯХШИЛАШГА
ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР
ВА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ**

Ўзбекистон ҳали Иттифоқ таркибида бўлган вақтда, 1959 йилдаёқ табиатни муҳофаза қилиш ҳақида қонун қабул қилинган эди. Аммо мазкур қонунни амалга оширишга қаратилган тадбирларнинг пала-партиш бўлганлиги, жумхуриятимизга асосий хом ашё манбаи сифатида қаралганлиги экологик аҳволни тубдан яхшилаш имконини бермаган эди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши биланоқ, ўзининг бир қатор қонунлари, энг аввало Асосий Қонуни — Конституциясида атроф муҳитни тоза сақлаш ва уни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратди. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида "Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурлар", деб кўрсатилиши мамлакатимизнинг барча фуқароларига соғлом муҳит яратиш борасида катта масъулият юклайди. Конституциямизнинг 55-моддасида "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир", деб кўрсатилиши она табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уларни кўз қорачиғидай сақлашни барча фуқароларимиз учун мажбурий қилиб қўяди. Республикамиз Конституциясининг аҳамияти яна шундаки, Парламентимиз томонидан қабул қилинган ва қилинадиган барча экологик қонунларни амалда тўла бажарилишини, фуқароларимизнинг, турли хил корхоналарнинг бу қонунларга итоат қилишини кафолатлайди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ, 1992 йил 9 декабрида Олий Мажлис томонидан "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди, натижада бу соҳани яхшилашга қаратилган кескин чора-тадбирлар кўрила бошланди. 1996 йил 27 декабрда эса Парламентимиз "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"

қонун, 1998 йил 25 декабрида Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ 13 сессиясида “Ўрмон тўғрисида” қонун лойиҳасини қабул қилди. Мазкур тадбирлар натижа-сида мамлакатимизда табиатни соф сақлаш ва уни муҳофаза қилиш, айниқса атмосфера ҳавоси тозалигини сақлаш умумдавлат ишига айланиб қолди. Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, унинг жойлардаги тармоқлари, соғлиқни сақлаш, ўрмон хўжалиги, ички ишлар вазирлиги, санитария-эпидемиология хизмати, прокуратура ва бир қатор соҳалар билан шуғулланувчи маҳкамалар, институтлар экологик муҳитни яхшилаш ва муҳофаза қилиш билан қатъий шуғуллана бошладилар.

Қабул қилинган экологик қонунларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф муҳитнинг тозалигини таъминловчи, турли манбалардан чиқадиган зарарли, заҳарли моддаларнинг меъёрлари қатъий қилиб белгиланди. Ишлаб чиқариш фаолиятига эга бўлган ҳар бир корхона ўзининг меъёрий-экологик ҳужжатларига эга бўлиши шарт қилиб қўйилди. Уларда атроф муҳитга чиқариб ташланаётган моддаларнинг таркиби, миқдори, сифати аниқ кўрсатилган бўлади ва унинг назорати Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан амалга оширилмоқда. Ҳавонинг ифлосланишини чеклаш ва назорат қилиш мақсадида Республика ИИВнинг ДАН экологик бўлими йилига 2 марта “тоза ҳаво” тадбирини ўтказмоқда, экологик қонунбузарларга нисбатан турли хил даражада жазо чоралари қўлланилмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган барча ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида текшириш, назорат қилиш, жарима солиш билан чегараланмасдан, оммавий ахборот воситалари ёрдамида кенг қўламда тарғибот-ташвиқот ишларини ҳам олиб бормоқдалар.

Аммо, айтиш керакки, атроф муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган қонунларнинг бажарилиши борасида заиф жиҳатларимиз борлиги ҳам маълум бўлмоқда. Бу заифлик бошимиздан кечираётган ўтиш даврининг иқтисодий қийинчиликлари туфайлидир. Айрим манбаларда кўрсатилишича, “...айрим ривожланган

мамлакатларда ишлаб чиқарилган ялпи миллий даромаднинг 7-10 фоизи табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига сарфланаётир ёки ишлаб чиқаришнинг асосий сармояси таркибида табиатни муҳофаза қилиш соҳасининг умумий салмоғи 10-20, баъзи корхоналарда ҳатто 40 фоизни ташкил этади. Бундан ташқари уларда экологик фаолиятнинг қонуний назорати жуда самарали амал қилади”¹. Ривожланган мамлакатлардаги бу тадбирларни ҳозирдан бошлаб имкониятимиз чегарасида республикамиз ҳудудида ҳам қўлланилса, табиатни муҳофаза қилиш учун зарур бўлган молиявий имкониятларни турли хил экологик солиқлар, атроф муҳитни ифлослантирилганлиги учун солинадиган жарималар, баъзи хайрия жамғармалари ҳисоби ҳам кенгайтирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Аҳолининг, хусусан оналар ва болалар саломатлигини асраш мамлакатимизда соф экологик муҳитни таъминлаш билан боғлиқ. Президентимиз ташаббуси билан Республикаимизда биринчи ва иккинчи даражали “Соғлом авлод учун” орденининг таъсис этилганлиги аҳоли учун қилинган экологик гамхўрликнинг ёрқин далилидир. Маълумотларга кўра, Республикаимизда 20 фоиздан зиёд касалланиш экологик муҳит кескинлашганлигининг оқибатидир.

Жумхуриятимиздаги экологик аҳволни яхшилашда халқаро ташкилотларнинг ёрдами ҳам сезиларли бўлмоқда. БМТнинг ЮНИСЕФ ҳамда халқаро “Экосан” жамғармалари ташаббуси билан 1995 йилда Оролбўйи ҳудудидаги болалар ва оналар соғлигини муҳофаза қилишга доир “АСПЕРА” дастури ишлаб чиқилди. Бу дастурни Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси қўллаб-қувватлаб, 1995 йил 31 июлда “ЮНИСЕФ-ЭКОСАН-АСПЕРА дастурини амалга ошириш тадбирлари ҳақида” махсус қарор қабул қилди. Дастур 4 йилга мўлжалланган бўлиб, уни амалга ошириш учун 3,12 млн АҚШ доллари ҳажмида харажат кўзда тутилган.

¹ С.Мамашокиров. “Мўъжаз оролчада”. — “Тафаккур” ж., 1997 й., № 4, 15-16-бетлар.

Республикамиз табиатдан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ишларини мувофиқлаштириб турувчи турли халқаро Шартнома ва Битимларга қўшилди, мазкур ишларни амалга оширишнинг 2005 йилгача мўлжалланган Давлат дастури ишлаб чиқилди. Жумҳуриятимизда тоза экологик муҳитни қарор топтиришга қаратилган тадбирларни асосий йўналишлар қилиб белгилаб қўйилди.

Кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш Республика аҳолисини, айниқса ёшларнинг экологик маданиятини ривожлантириш, улар билан олиб бориладиган экологик таълим ва тарбиявий ишларни қўллаш самарасига ҳам бевосита боғлиқ. Юксак маданиятли, маънавий-маърифий жиҳатдан баркамол инсон ўзи яшаб турган атроф муҳитга ўз ҳаётига зомин бўлишига олиб келувчи бузғунчилик, ифлосгарчилик нуқтаи назаридан муносабатда бўлмайди, аксинча уни обод қилади, келажак авлодларига муносиб экологик муҳит қолдиришга ҳаракат қилади. Экологик маданиятли инсон XX асрнинг II-ярмида бошланган атроф муҳитни бузишга қаратилган фаолиятни тўхтатиш лозимлигини, ўзи бузган дунёни унинг ўзидан бошқа ҳеч ким тиклаб бера олмаслигини билади.

Атроф муҳитни тоза-покиза асраш қадим-қадимдан ота-боболаримиз, аجدодларимиз руҳиятига, маънавиятига сингиб кетган, кундалик одат тусига кириб қолган. Ер, сув, ҳаво, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини, ҳаёт манбалари ва яшаш воситаларини эҳтиёткорона сақлаш, эъзозлаш улар учун маънавият мезони ҳисобланган. Буюк аجدодларимизнинг асрлар давомида яратган битмас-туганмас маданий-маърифий меросларини, хусусан атроф муҳитни авайлаб-асраш каби умуминсоний қадриятларни ҳимоя қилиш, инсон манфаатлари йўлида уларни кўпайтириш, келгуси авлодларга ёдгорлик этиб қолдириш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз.

Республикамизда кейинги йилларда соғлом экологик муҳитни яратишга қаратилган турли-туман маърифий-тарбиявий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан "Экосан" халқаро экология ва саломатлик ташкилоти ва шу номдаги жамғарма фаолият кўрсатмоқда. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган кўплаб илмий, илмий-методик ва оммавий адабиётлар нашр қилинмоқда, радио ва телевидениеда мунтазам эшиттириш ва кўрсатувлар олиб борилмоқда. Таълим тизимининг барча босқичларида экологик таълим ва тарбиянинг мазмуни, ташкилий шакллари ҳамда усулларини такомиллашга йўналтирилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Аҳоли матбуот, радио, телевидение ёрдамида ҳаққоний экологик ахборотлар билан тўла таъминланмоқда. Натижада омманинг экологик фаоллиги ва масъулияти ортиб бормоқда. Ҳолбуки, советлар даврида ҳаққоний экологик ахборотларнинг айримлари "давлат сири" сифатида пинҳон тутилар ва сохталаштирилар, бу эса, ўз навбатида, аҳолининг экологик масъулиятига салбий таъсир қилар, уларни атроф муҳитнинг ифлосланишига бефарқ қарашига олиб келар эди.

Ҳозирги кунда экологик таълим Республикамиздаги олий ўқув юртларининг амалдаги ўқув дастурига киритилган. Шунингдек, экология ва табиатни муҳофаза қилиш; табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти; атроф муҳитни ҳимоя қилиш ва табиий захиралардан оқилона фойдаланиш; сув таъминоти, канализация, стандартлаш ва бошқа экологик ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрланмоқда, бу соҳада кафедралар ишлаб турибди. Республика педогог-экологлар уюшмаси 2005 йилгача бўлган экологик таълим ва тарбия дастурини ишлаб чиққанки, ундан нафақат олий ўқув юртларида, балки ҳунар-техника коллежлари, академик лицей ва мактабларда ҳам фойдаланилмоқда.

Бу тадбирлар келгуси авлодлар олдидаги масъулиятни тўла англаб етадиган маънавий баркамол инсоннинг шаклланишига олиб келади, шу тариқа инсон фақат табиатдан олувчи, истеъмолчигина эмас, балки

унинг ғамхўри, фидойиси каби эзгуликларни ўзида мужассамлаштирувчи шахс даражасига кўтарилади. Натижада яқин вақтлар ичидаёқ мамлакатимиз фуқаролари учун, ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмонан соғлом бўлиб ривожланиши учун зарур соғлом муҳит яратилади. Демак Республикамизда буюк келажак сари собитқадам одимлар билан олға бориш имкони-ятлари таъминланади.

АДАБИЁТЛАР

- И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлик-ка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари Т., "Ўзбекистон", 1997 й.
- А.Тўхтаев, А.Ҳамидов. Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. Т., "Ўқитувчи", 1994 й.
- "Экологическая опасность космической деятельности", М., "Наука", 1999 г.
- С.Мамашокиров. Мўъжаз оролчада, — "Тафаккур" ж, 1997 й, № 4.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Экологик хавф ва унинг умумбашарий хатар эканлиги	4
Ўзбекистоннинг экологик аҳволи ва унга таҳдид солувчи асосий омиллар	12
Республикамизда атроф муҳитни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар ва экологик тарбия	22

Ислом Ҳакимов

СОҒЛОМ МУҲИТ — СОҒЛОМ АВЛОД

Ўзбек тилида

Бадий муҳаррир *Ж. Гурова*

Техник муҳаррир *Т. Харитонов*

Мусаҳҳиҳ *Ш. Орипова*

Компьютерда тайёрловчи *Е. Гильмутдинова*

Теришга берилди 12.07.99. Босишга рухсат этилди 12.08.99.
Бичими 84x108^{1/32}. "Прагматика" гарнитурда юқори босма
услуида босилди. Шартли бос. т. 1,68. Нашр т. 1,7. Нусхаси 2000.
Буюртма № 99 Бахоси шартнома асосида.

"Ўзбекистон" нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Нашр № 91-99.

Масъулияти чекланган "ARNAPRINT" жамияти
босмахонасида босилди.
702300, Тошкент, Х. Байқаро кучаси, 51.

И. Ҳақимов.

К 52 Соғлом муҳит — соғлом авлод /масъул муҳаррир Ж. Туленов/, — Т.: "Ўзбекистон", 1999 — 30 б. — (И. А. Каримов асарлари асосида тайёрланган ўқув қўлланмалар кутубхонаси).

Сарл. олдида. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Низомий номидаги Тошкент давлат университети, фалсафа кафедраси.

ISBN 5-640-02650-2

Рисолада ҳозирги экологик хавф, унинг келиб чиқиш сабаблари, бу хавфнинг жамият ва инсон саломатлигига салбий таъсири, атроф муҳитни тоза сақлаш ва муҳофаза қилиш, экологик хавфнинг олдини олиш ва бунда экологик таълим ҳамда тарбиянинг аҳамияти каби шу куннинг муҳим масалалари ҳақида фикр юритилади.

Рисола кенг жамоатчиликка мўлжалланган бўлиб, ундан аспирантлар, талабалар, мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари ўқув қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.

74.04

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Республикасининг
давлат кутубхонаси

X 0301030800 - 69 99
M 351 (04) 99

102

1. The first part of the document discusses the importance of maintaining accurate records of all transactions. It emphasizes that this is essential for the proper management of the organization's finances and for ensuring compliance with applicable laws and regulations.

2. The second part of the document outlines the specific procedures that should be followed when recording transactions. This includes the requirement to use standardized forms and to ensure that all entries are supported by appropriate documentation, such as receipts and invoices.

3. The third part of the document discusses the role of the accounting department in the overall financial management of the organization. It highlights the need for close communication and collaboration between the accounting department and other departments to ensure that all financial data is accurately recorded and reported.

4. The final part of the document provides a summary of the key points discussed and offers recommendations for further action. It stresses the importance of ongoing monitoring and evaluation of the financial reporting process to ensure its continued effectiveness and reliability.